



The background of the poster features a collage of images: at the top, three young adults (two girls and one boy) are shown smiling and looking towards the camera; below them, a large glass and steel building, possibly a conservatory or library, is reflected in water at dusk. The overall aesthetic is modern and academic.
**PEDAGOGICAL SCIENCES
AND TEACHING METHODS
INTERNATIONAL
CONFERENCE**

**2021
15 NOVEMBER**

ISBN 978-955-3605-86-4

© Sp. z o. o. "CAN", 2021

© Authors, 2021

**PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS: a collection scientific works
of the International scientific conference (15 November, 2021) - Copenhagen:2021. ISSUE 7
– 272 p.**

Editorial board:

Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen

Elin Eriksen Ødegaard, Professor, Western Norway University of Applied Sciences

Mariane Hedegaard, Professor Emerita, Copenhagen University, Denmark

Magnus Englander, PhD Associate Professor of Psychology Malmö University, Sweden

Paul Sullivan, PhD University of Bradford Bradford, United Kingdom

Mathias TraczykSøren, PhD

Thiesen Amanda, PhD

Nybøe Rohde, PhD

Languages of publication: dansk, English, русский, беларуская, limba română, uzbek,

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference "PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS". Which took place in COPENHAGEN on 15-November, 2021.

Konferencehandlinger anbefales til videnskabsmænd og lærere i højere læreanstalter. De kan bruges i uddannelse, herunder undervisning i postgraduate studier, forberedelse til opnåelse af bachelor- og kandidatgrad. Gennemgangen af alle artikler blev udført af eksperter, materialer er i henhold til forfattere copyright. Forfatterne er ansvarlige for indhold, undersøger resultater og fejl.

АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ЛИКВИДНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ БОРАТОВ БАХТИЁР САЙФУЛЛАЕВИЧ ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АҲАМИЯТИ	103
АБДУСАТТАРОВА МОХЛАРОЙ МАХАМАТКОСИМ КИЗИ АБДУРАЙИМОВА АДИБА АХМАДЖОН КИЗИ ЙОЛБАРСОВ МУХАММАДЮСУФ МУХАММАДИОХИЙОН ОГЛИ БИОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ БРОККОЛИ И ЕГО ГИБРИДОВ ГИЯЗОВА НОЗИМА БАЯЗОВНА	109
БОЗОР ЎЗГАРИШЛАРИ ШАРОИТИДА ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НОДИР АБДУСАЛИМОВИЧ КУЗИЕВ	114
СПЕЦИФИКА СТРАНОВЫХ ПОДХОДОВ К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ДВУСТОРОННИХ И МНОГОСТОРОННИХ КУЛЬТУРНЫХ КОНТАКТОВ ЗОКИРОВ АБДУМАВЛОН АБДУРАУФ ЎГЛИ	119
ТҮҚИМАЧИЛИК ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БҮЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ИСАКОВ АЗИМ ЮСУБЖАНОВИЧ	126
ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ Ш.Р.ТУРДИЕВ	132
ПЕДАГОГИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШДА МАТЕМАТИК -СТАТИСТИКА МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ. ЗОҲИРОВ РАМИЗ ТУРДИМУРОДОВИЧ	136
ОИЛА ФАРОВОНИЛГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ОНА-БОЛА САЛОМАТЛИГИ РОЛИ ТОЖИБОЕВА НАФИСАХОН РАХМИДДИН ҚИЗИ	143
ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ХОДИМЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ Ф.Б.ЭРГАШЕВ С.О.ТУЛАБОЕВ К.М.КОЗИМОВА	146
ДОЛГОСРОЧНОЕ ЛЕЧЕНИЕ АСПИРИНОВОЙ ДЕСЕНСИБИЛИЗАЦИИ У ПАЦИЕНТОВ С АСТМОЙ И РЕСПИРАТОРНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ. ХАЙИТОВ ШЕРЗОД ПАРДАБОЕВИЧ	154
МОСЛАНУВЧАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСИДА ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ МУСАБЕКОВ ЗАКИРЖОН ЭРГАШЕВИЧ	175
РАХМОНОВ ХОЖИАКБАР БОБОМУРОД ЎГЛИ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ТОПЛИВОПОДАЧЕЙ БЕНЗИНОВЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ NOSIROVA DILFUZA NABIEVNA	181
UZBEK NATIONAL CLOTHES AND THEIR HISTORY MAFTUNABONU HOLJURAEVA	186
PROFESSIONAL ETHICS OF A TRANSLATOR: BASIC PRINCIPLES КАРАБАЕВА БАРНО БОБИР ҚИЗИ	189
СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГЛАГОЛЫ ЗРИТЕЛЬНОГО ВОСПРИЯТИЯ YUSUPALIYEVA GULIBONU XUSNIDDINJON QIZI	192
SOBIROVA NARGIZAXON ELMIRZA QIZI MARG'UBA IN'OMOVNA HAYDAROVA	196
BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA MILLIY G'URURNI RIVOJLANTIRISH АКБАРОВА НОЗИМА ХУСНИДДИНОВНА	200
МАМАРИЗАЕВА НАФОСАТ ЗОХИДЖНОВНА ОМОНОВА НОИЛА БАХОДИРОВНА	202
ТОГАЕВА ГУЛНОРА СИДДИКОВНА СРАВНИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У БОЛЬНЫХ, СТРАДАЮЩИХ И НЕ СТРАДАЮЩИХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА. G'ANIYEV G'IYOSBEK G'ULOMJON O'G'LΙ	207
SHARQ MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA RAHBARLIKNING AXLOQIY MEZONLARI TALQINI	212
ЧОРШАНБИЕВ ЗАФАР ЭСАНПУЛАТОВИЧ ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛАНИШИДА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВНИНГ ЎРНИ KADIROV JASUR ABDUMALIKOVICH	212
TA'LIMIY O'YIN FAOLIYATIDA ALGORITMIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANISHDA	212

Гиязова Нозима Баязовна

Бухоро давлат университети

«Иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси

БОЗОР ЎЗГАРИШЛАРИ ШАРОИТИДА ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада түқимачилик корхонларида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда устунлик асосида диагностикалаш орқали барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш услубини такомиллаштириш масалалари ўрганилган ва ушбу түқимачилик корхоналари барқарор ривожланиши таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат, корхона, диагностика, барқарор ривожланиш, интеграл кўрсаткич, баҳолаш.

Бозор иқтисодиётининг назорат механизми, асосан, рақобат категорияси орқали амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда рақобат қурашининг усули ҳам, шакли ҳам бир қадар ўзгарган бўлиб, рақобатда устунликка асосий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг муҳим ўзак тармоқларидан бири саналган түқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга экспорт қилмоқда. Хорижлик истеъмолчилар эса маҳсулот сифатига ўзларининг юқори талабларини қўймоқдаларки, ушбу талабларни тўла қондиришда мавжуд имкониятларни дастлаб сархисоб қилиш талаб этилади. Шу боисдан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу каби улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири саналган түқимачилик саноати корхоналарида стратегик рақобатбардош устунликларнинг корхона барқарор ривожланишига таъсирини

диагностикалаш орқали рақобатда устунлиги асосида барқарор ривожланиш даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиёт шуни қўрсатадики, корхонанинг барқарор ривожланиши кенг доирадаги омиллар таъсирида шаклланади, лекин унинг асосини рақобатбардошлиқ ташкил этади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар корхона барқарорлигини унинг рақобат салоҳиятидан келиб чиқиб баҳолашни таклиф этадилар [2]. Рақобат салоҳияти рақобат устунликлари асосида шаклланади. Рақобат назарияси, рақобат афзалликларини бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда М. Портернинг энг кўп асарлари келтирилган. Рақобат афзаллиги ёки рақобатбардошлиқга бағишланган барча адабиётларда унинг «Халқаро рақобат» китобига мурожаат килинади. Унда М.Портер уларнинг ҳар бири ўзига хос рақобат устунлигига асосланган ғояга асосланган типик стратегиялар мажмууни таклиф этди. Компания ўзига мос рақобат устунликларидан фойдаланса ва ишлаб чиқса, танланган стратегияни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунинг учун компания қайси рақобат устунлигини олишни ва қайси соҳада: паст харажатлар ёки маҳсулотни фарқлашни ҳал қилиши керак? [3]. Арzon нархлардаги рақобат устунлигини танлаш рақобатчига нисбатан паст нархда таққосланадиган маҳсулотни ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш ва сотиш демакдир. Маҳсулотни рақобатчи баҳосида сотиш компанияга катта фойда олиш имконини беради [4].

Барқарорлик халқаро ҳужжатларда (масалан, «Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси» [5], «XXI аср кун тартиби» [6], шунингдек, конвенциялар ва кўп томонлама шартномалар асосида глобал аҳамиятга эга бўлган муайян масалаларни қабул қилиш каби таъсир тамойилларини ўрнатиш ва қабул қилиш доирасида тизимнинг меъёр даражасида ишлашини давом эттириш қобилиятини назарда тутади.

Биз томондан тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг барқарор ривожланиш даражасини диагностика қилиш услубини ишлаб чиқдик. Ушбу услугга асосан, тўқимачилик корхоналари барқарор риволаниш даражаси диагностикаси қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич “Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш даражаси диагностикаси”;

Иккинчи босқич “Саноат корхонасининг мавжуд рақобатбардош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш”;

Учинчи босқичда “Стратегик рақобатбардош устунликларнинг саноат корхонасининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш”.

Диагностикалаш услубиятини синовдан ўтказиш учун эмпирик асос сифатида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркиибига кирувчи бир нечта тўқимачилик корхоналарини танладик.

Тадқиқот жараёнида хавф-хатар компоненти модели мезон ва кўрсаткичлар тизимиға асосланиб тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усули интеграл кўрсаткични қўллаган ҳолда такомиллаштирилди. Унинг мезони сифатида тўқимачилик саноати корхонасининг ташқи ва ички муҳитининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва хўжалик фаолиятига таъсирини баҳолаш қўлланилади. Интеграл кўрсаткич ички ва ташқи муҳитнинг стратегик ва тактик хавф омиллари кўрсаткичларидан иборат бўлиб, (1) формула ёрдамида ҳисобланади:

$$R_x = \sqrt{T_x * C_x} \quad (1)$$

бу ерда, T_x – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи тактик хавф омиллари кўрсаткичи;

C_x – тўқимачилик корхонаси барқарорлигига таъсир этувчи стратегик хавф омиллари кўрсаткичи.

Корхона турига, фаолият соҳасига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турига қараб ҳар бир корхона унинг барқарор ривожланиш даражасига экологик хавф омилларининг таъсир даражасини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичларни аниқлайди. Хусусий ва интеграл коэффициентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди. Хусусий ва интеграл коэффициентларни ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар ўрганилаётган тўқимачилик корхоналар томонидан эксперт ишининг таркибий қисми сифатида тақдим этилди.

Ҳисоб-китоблар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тадқиқотда қатнашган тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини тавсифловчи умумий интеграл коэффициентнинг ҳисобланган қийматлари

Корхоналар номланиши	Коэффициент қиймати
«ALKIM TEKSTIL» МЧЖ	0,61

«BEK MEGA TEXTILE» МЧЖ	0,31
«Crystal Color Textile» МЧЖ	0,38
«Textile Lux» МЧЖ	0,4
«BEST COLOR TEXTILE» MChJ	0,55
«COTTON TEXTILE» МЧЖ	0,72

Манба: Тўқимачилик корхоналари хисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланаган.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, нормал барқарор ривожланиш даражаси «COTTON TEXTILE» МЧЖ учун хос бўлган. Барқарор ривожланиши таъминлашнинг асосий таркибий қисми барқарор иқтисодий ҳолат хисобланади. Иқтисодий барқарорлик даражасини баҳоловчи хусусий интеграл коэффициентнинг қиймати бошқа хусусий интеграл коэффициентлар орасида энг юқоридир.

Амалда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик рақобат устунликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

тўқимачилик маҳсулотлари истеъмолчиларининг келажак эҳтиёжларини олдиндан англай билиш;

кулай институционал мухитни яратиш;

инновация фаолиятини фаоллаштириш;

маркетинг фаолиятини фаоллаштириш;

етарлича жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

омиллар ва меҳнат шароитларининг тез ўзгаришига ўз вақтида муносиб жавоб бера оладиган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш;

кенг миқёсда барча соҳаларда ракамлаштириш технологиясидан самарали фойдаланиш;

ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш;

асосий ишлаб чиқаришни ташкил этишда тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш;

ходимлар малакасини узлуксиз равишда оширишни амалга ошириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони / www.lex.uz.
2. Филобокова Л.Ю. Сущность и методические подходы к оценке рыночной устойчивости малого предпринимательства / Л.Ю. Филобокова // Аудит и финансовый анализ. – 2008. – № 4. – С 223-228.
3. Петров А.Н. Стратегический менеджмент / А.Н. Петров. – СПб.: Питер, 2007. – 160 с.
4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент / Р.А. Фатхутдинов. – М.: Дело, 2005. – С. 86-116.
5. Доклад конференции Организации Объединенных Наций по проблемам окружающей человека среде, Стокгольм, 5-16 июня 1972 года (издание Организации Объединенных Наций, в продаже под № R.73. II. A. 14), глава 1. -109 с.
6. Повестка дня на XXI век. Принята Конференцией ООН по окружающей среде и развитию, Рио-де-Жанейро, 3-14 июня 1992 года. – 101с.